



2019 yil «23» март 100 – Қ - sonli

Samarqand sh.

**“ISHTIXON GOLD GRAPES EXPART”**  
масъулияти чекланган жамиятига  
инвестициявий ва ижтимоий  
мажбуриятлар белгилаган ҳолда  
замонавий хусусий клиника, сиҳатгоҳ  
ҳамда нуронийлар маскани қурилиши  
учун ер участкасини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

#### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “ISHTIXON GOLD GRAPES EXPART” масъулияти чекланган жамиятига замонавий хусусий клиника, сиҳатгоҳ ҳамда Нуронийлар маскани қурилиши учун туман ҳокимлиги захирасидаги Ургут тумани, У.Қурбонов номли шиfoxонанинг 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер участкаси қуйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин:

замонавий хусусий клиника, сиҳатгоҳ ҳамда нуронийлар маскани қурилиши учун 1,2 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

2019 йил 1 октябрга қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

50 та янги иш ўринларини яратиш;

ажратилган ер майдони ва туташ ҳудудларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “ISHTIXON GOLD GRAPES EXPART” масъулияти чекланган жамияти томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. Ургут тумани ҳокимлиги (М.Турдиев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов):

“ISHTIXON GOLD GRAPES EXPART” масъулияти чекланган жамиятига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Шукуров ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов